

Сарполар тайёр,
аммо орийат йўқ 5-с.



Ўғирланган велосипед
ва калтакланган бола
машмашаси 6-7-с.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 29 (665)
2019 йил
2 август,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета




2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Эл ғамини билган элда дoston, дейди до-нишманд халқимиз. Сирдарё вилоятида амалга оширилган бемисл янгиланишлар, халқчил ислохотларни кўриб, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганини ҳис қилиб, беихтиёр шу мақол дилдан тилга кўчади.

Сирдарёликлар ҳаётида интилиш ва ишонч пайдо бўлди

Неча минг йилларга гувоҳ бўлган кўҳна Ховос тумани маркази бугун ана шу эътибор оғушида. Давлатимиз раҳбари шу йил февраль ойидаги ташрифи чоғида қарийб 50 йил давомида бу туманда битта ҳам кўп қаватли уй қурилмаганини таъкидлаб, бир йил ичида 30 та замонавий типдаги кўп қаватли уй қурилиши бўйича топшириқ берган эди.

Ана шу уйларни қуриш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Бугун Ховосга борган одам уни танимаслиги, шубҳасиз. Эски, барак уйлар, кўримсиз ҳовлилар ўрнида янги шаҳарча, ҳозирги куннинг замонавий атамаси билан айтаганда, «Ховос сити» барпо этилмоқда. Яқинда ховосликлар уй тўйларини нишонлайди.

Янгиланишнинг, яхши гапнинг қаноти бўлади. Юртбошимиз ўтган гал вилоятга келганида воҳанинг келажағига,

элимизнинг орзу-армонлари ушалишига хизмат қиладиган 5 та муҳим ташаббус ҳақида гапириб, бу Сирдарё тажрибасига, намунасига айланиши, сирдарёликлар ташаббус кўрсатиши ҳуусида алоҳида тўхталган ва катта ишонч билдирган эди. Ташрифдан бир неча кун ўтиб, пойтахтдан бу ерга китоб карвонлари етиб келди. Китоблар қишлоқ кутубхоналари, мактаблар, маҳаллалар, оилаларга кириб борди. Шаҳару туманларда элга маънавият улашилди, фарзандларимизни китобга ошно қилишни ният қилган талбиркор, ҳиммати баланд инсонлар томонидан янги кутубхоналар, китоб дўконлари очилди.

Ҳа, бугун Сирдарё замини янги ташаббуслар, илғор тажрибалар маконига айланди. Давлатимиз раҳбари олдинизга қўйган, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар — маънавиятни юксалти-

риш, китобхонликка эътибор қаратиш, ёшларни китоб мутолаасига, спортга, musiқа ва санъат сирларини ўрганишга кўпроқ жалб этиш, билим масканлари, шунингдек, энг чекка қишлоқлардаги мактабларга замонавий компьютер технологиялари етказиб бериш, интернет тармоғига улаш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ибратли ва хайрли юмушларнинг барчаси ҳамюртларимиз ҳаётига янги мазмун ва маъно олиб кирди.

Сирдарёда бошланган ташаббус, тажриба бугун республика бўйлаб қанот ёзмоқда. Чин маънода ҳаётимизда янги эпкин, ҳаракат, интилиш ва ишонч пайдо бўлди.

Бу гап исботини ҳам топмоқда. Вилоят ғаллакорлари узоқ йиллардан кейин биринчи марта муддатидан олдин давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини ортиги билан бажарди. Бунёдкорлик ишларига бугун вилоят

аҳолиснинг ўзи камарбаста бўлмоқда. Маҳаллаларда ободонлик ишларига талбиркорлар ҳам ҳисса қўшмоқда. Ёшларимизнинг китоб ўқишга меҳри ортди, маънавияти юксалмоқда.

Дарҳақиқат, гап вилоятда олиб бориладиган бунёдкорлик ишлари ҳақида кетганда, мақтанишга арзигулик ютуқларимиз жуда кўп. Бунини сирдарёликларнинг ҳар бир кунини, амалида, улкан бунёдкорлик ишлари — қуриладиган замонавий уйлар, корхоналар, маданий-маиший муассасалар мисолида кўриш мумкин.

Энг муҳими, бугун сирдарёликлар аниқ мақсад билан яшамоқда. Бу ҳар бир кунни эзгу ният билан бошлаш, ён-атрофимизда, маҳалламизда бўлаётган хайрли ишларга бош қўйиш мақсадлидир.

Холида ПАРДАБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

**КИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!**

Давлатимиз раҳбари Беларусь Республикасига келгач, анъанага кўра, мамлакат пойтахти Минскдаги Фалаба монументига гулчамбар қўйди.



Маслаҳат кенгаши маслаҳатлашди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш Маслаҳат кен-
гашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

«Маслаҳатли тўй тарқамас», деганларидек тadbирда Маслаҳат кенгаши қошидаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати тўғрисидаги жамоатчилик фикрини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, Ёшларнинг ижтимоий ривожланишини ва уларнинг очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш комиссиялари томонидан «Йўл харитаси»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида маслаҳатлашилди.

Жумладан, «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида давлатимиз

корлигида ногиронларнинг давлат ташкилотларига қилган муурожаатлари ижроси бўйича улар ўртасида социологик тадқиқот амалга оширилмоқда. Яқиний натижалар Маслаҳат кенгашига тақдим этилиши кўзда тутилган.

Тadbирда, шунингдек, Ёшлар иттифоқи вакили сўз олиб, жорий йилнинг биринчи ярми давомида олиб борилган ишлар юзасидан ахборот берди. Таъкиллашча, шу давр мобайнида манзилли режага мувофиқ, 155 минг нафардан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланган. Январь-июнь ойларида тadbиркорлик йўналишида 6 мингга яқин ўқувлар ташкил этилган. Июнь ойида республика бўйича ўтказилган ёшлар ойлигида 7 мингдан зиёд ижтимоий, таълим, илмий-техника ва соғломлаштириш йўналишлари бўйича лойиҳалар ташкил этилди.

«**Айни вақтда марказ томонидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва ассоциацияси ҳамда ФЖШМҚМИ ҳамкорлигида ногиронларнинг давлат ташкилотларига қилган муурожаатлари ижроси бўйича улар ўртасида социологик тадқиқот амалга оширилмоқда. Яқиний натижалар Маслаҳат кенгашига тақдим этилиши кўзда тутилган.**»

томонидан олиб борилаётган сиёсат бўйича фикри тизимли ўрганиб борилаётгани таъкиллаб ўтилди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2016-2018 йиллар давомида марказ томонидан республика миқёсининг барча ҳудудларида 9 та кенг қамровли 40 дан зиёд манзилли социологик тадқиқотлар ўтказилди.


Айни вақтда марказ томонидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва ассоциацияси ҳамда ФЖШМҚМИ ҳам-

Мажлиса «Ибн Сино» жамоат фонди томонидан 2020 йилда Абу Али ибн Синонинг 1040 йиллик юбилейини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилди. Шу билан бирга Маслаҳат кенгашининг иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгиланган.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири

Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ўзгармоқда

**Вазирлар Маҳкамасининг 30 июль куни
«Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари
ва тарифларни ўзгартириш тўғрисида»ги қарори
тасдиқланди.**



Унга кўра, 15 августдан бошлаб белгиланган нархлар кўтарилиши кутилмоқда. Жумладан, Аи-80 маркали

автомобиль бензинининг чакана нархи бир литри 4000 сўмдан 4500 сўмга кўтарилди. Дизель ёқилғисининг чакана нархи бир литри 4800 сўм эди, энди 5400 сўм бўлади. ЭКО дизель ёқилғисининг чакана нархи ҳам бир литри 4900 сўмдан 5700 сўмга ошиши кутилмоқда.

Шу билан бир қаторда электр энергияси ва табиий газ учун белгиланган тарифлар ва нархлар ҳам оширилмоқда.

қаторда (Вазирлар Маҳкамасининг 2014.05.08 даги 216 сонли қарори) бугунги кунга қадар атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг манбалари назоратининг автоматлаштирилган тизими ташкил этилмаган.

Атмосферанинг корхона таъсири доирасида бўлган ер ости сувлари (санитар муҳофаза зонаси), саноат чиқиндилар жойлаштирилган жойларда ифлосланиш даражасини мониторинг қилишнинг ҳам автоматлаштирилган тизими мавжуд эмас. Саноат чиқиндиларини утилизация қилиш ҳамда маиший оқаваларни канализация тизимига улаш масалалари ҳал этилмаган. Корхоналарга туташ ҳудудларда яшовчи аҳоли саломатлиги масалалари мутасаддилар томонидан етарлича ўрганилмаган.

Ушбу корхоналарнинг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш мақсадида 367 респондент иштирокида сўровнома ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, ҳудудда 15 йилдан кўпроқ яшаган респондентларнинг 55,8 фоизи корхоналар қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаришидан хабардор бўлиб, фаолияти атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир

экологик тоза технологияларни қўллаш орқали тубдан модернизация қилиш таклифини беришди.

Ўтказилган таҳлилий тадқиқотлар ва экологик рейдлар натижасида «Тошкент труба заводи» МЧЖга яқин ҳудудларда атмосфера ҳавосида руҳсат этилган метьёрдан олтингугуртли водород 25 баробар, азот диоксили 22,4 баробар, аммиак 6 баробар, фторли водород эса 4,2 баробар кўп эканлиги аниқланди. Худди шунингдек, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖга яқин ҳудудларда ҳам зарарли ҳаво атмосферада руҳсат этилган метьёрдан бир неча баробар юқори экани аниқланди.

Иштирокчи ва соҳа мутахассислари юқорида келтириб ўтилган муаммо ва камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар билдирди. Шу асосда экологик ҳолатни яхшилаш, мазкур корхоналар фаолиятининг салбий таъсирини камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича мажмуавий тadbирларни ўз ичига олган тавсиялар ишлаб чиқариб, тегишли ташкилот ва муассасаларга тақдим этилди.

Ўзбекистон Экологик партияси
Ахборот хизмати.

Корхоналар саломатликка зарар етказяпти

«Иштирокчилар «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти ва «Тошкент труба заводи» МЧЖ вакиллари таълим ва таҳлил қилиб, ушбу корхоналар атроф-муҳитга ҳамда аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатган ҳолда фаолият олиб бормоқда, деган хулосага келди».

Бу гаплар Ўзбекистон Экологик партияси ташаббуси билан ўтказилган «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти ва «Тошкент труба заводи» МЧЖ фаолиятининг корхонага туташ ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсири ҳолатига бағишланган жамоатчилик эшитувида айтилди.

Эшитув доирасида ушбу корхоналар фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Уларда қатор камчилик мавжуд бўлиб, жумладан, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича инвестициявий лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу билан бир

кўрсатмоқда, деган фикрда. Бунда ҳар бир сўровнома юзасидан респондентларнинг жавоблари олинди. Жумладан, уларнинг 96,7 фоизи корхоналар фаолияти натижасида атмосфера зарарланмоқда, 80,4 фоизи дарё ва ер ости сувлари кучли ифлосланмоқда, 98,9 фоизи эса корхоналар инсонлар саломатлигига зарар етказмоқда, деб ҳисоблайди.

Эътиборлиси, респондентларнинг 95,4 фоизи корхоналар фаолияти айнан ўзларининг саломатлигига салбий таъсирини сезишган. 98,6 фоиз респондент корхонани қайта ихтисослаштириш ёки илгор миллий ва хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда замонавий,



30 июль 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Иситиш тизими ва иссиқ сув ошади

Бу ҳақда «Тошиссиққуввати» корхонаси хабар берди.

Ташкилот маълумотларига кўра, аҳоли учун марказий иситиш тизимига бир ойлик тариф тураржой квадрат метри учун 1 772 сўмгача оширилади (ҳозир — 1 610,99 сўм).

Иссиқ сув таъминоти учун янги тариф ҳисоблагичсиз киши бошига 20 470 сўмни ташкил этади (ҳозир — 18 609,24 сўм), ҳисоб ускунаси бўлганда иссиқ сув таъминоти кубометрига 5 242 сўмга

(ҳозир — 4 765,20 сўм) тенг бўлади.

Умумий ювиниш хонаси бўлган ётоқхоналарда яшовчилар учун иссиқ сув нархи киши бошига бир ойда 15 228 сўмни (ҳозирда — 13 843,47 сўм) ташкил этади.

«Тошиссиқликмаркази» ДУКдан маълум қилинишича, 15 августдан бошлаб етказиб берилётган иссиқлик энергиясининг улгуржи нархи ҚҚСни ҳисобга олмаганда, бир Гкал учун 106 500 сўм, ҚҚС билан қўшилган ҳолда 127 800 сўмни ташкил этади.

Айрим кўчалар вақтинча ёпилади

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг телеграмдаги каналда хабар берилишича, пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида «MuzzDay» халқаро музқаймоқ фестивали ўтказилиши муносабати билан 1-4 август кунлари Зарафшон кўчасининг Ислоом Каримов кўчаси кесишмасидан «Тошкент зарбхонаси» ДУКгача бўлган қисми, шунингдек, Матбуотчилар ва Бухоро кўчасининг бир қисми барча турдаги транспорт воситалари учун вақтинча ёпилади.



Алдаб чақирманг! Акс ҳолда...



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонун лойиҳаси эълон қилинди.

Ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

199-модда (Махсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик):

санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилади;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилади:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

199-модданинг амалдаги таҳририга кўра, ички ишлар органи, ёнингга қарши курашиш хизмати, тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сенатда янги қўмита

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Қўмитанинг асосий вазифалари қаторида мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга, хотин-қизларнинг дав-

лат ва жамият ишларида фаол иштирок этишига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш, гендер тенглик масалалари ва оила институтини ривожлантиришга оид қонунларни мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан қўриб чиқиш ҳамда тегишли хулосалар бериш каби муҳим йўналишлар белгиланди.



Истаган қуролни сотиб олиш мумкинми?



Адлия вазирлиги «Қурол тўғрисида»ги Қонун бўйича 5 та тушунмовчиликка изоҳ берди.

Фуқаровий қурол жумласига ов, спорт ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроллари киралди.

Қуйидагилар ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролни ҳисобланади:

— газли қурол — кўздан еш оқизадиган ёки ачиштириладиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли ва бошқа қурилмалар;

— электрошок қурилмалари, учкун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар.

Жамоат жойларида, шаҳар, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда қуролни очик ҳолда (гиллофсиз) олиб юриш тақиқланади.

Миллий гвардия органлари томонидан бериладиган 3 ойлик рухсатномалар асосида фуқаровий ва хизмат қуролни олиниши мумкин.

Фуқаровий ва хизмат қуролни олишга доир рухсатнома қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқини бермайди.

Қуролни олишга доир рухсатнома қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқини бермайди.

Янги жарима тури

Жорий йилнинг 2 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни имзолади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 135-моддасига (Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши) тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, агар юридик шахсларнинг йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари ўз ёнида малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлмаса, унда улар энг кам иш ҳақининг бир баравари (223 000 сўм) миқдорида жарима тўлайдилар.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги огоҳлантиради!

Ижтимоий тармоқларда ўзини Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари сифатида таништириб, талбиркорларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги ёзуви туширилган байрамона ёрликларни харид қилишга мажбур этаётган кишилар ҳақида маълумотлар тарқалди. Барчангизни бу ишнинг ҳокимликка алоқаси йўқлиги, фирибгарлик экани ҳақида огоҳлантириб, айёрлик йўли билан пул ишлаётган бундай кишилар таъсирига тушиб қолмасликка чақирамиз, — дейилади Тошкент шаҳар ҳокимлиги хабарига.



Интернет манбалари асосида Баҳринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.

3 йилда 1 марта

«Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2019-2020 ўқув йилидан ОТМларда умумий квоталар доирасида «Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш» йўналишида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим муассасалари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчилари ҳар

уч йилда бир марта соғлом овқатлантириш йўналишида малакасини оширади.



30 июль 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.





Бировнинг ҳақи...

Бозор оралаб бораман... Одамзорлар ичра оралаб бораман... Бу одамбозорни жимлик кўзи билан кузатаман, не ахтараман ўзим билмайман. Ҳар ким ўз ташвиши-ю, ўз дарди билан овора. Ҳар ким ўз молини мақтаб, тириклик аравасини тортиб бораётир.

— Нимадир қидиряпсизми? — Савол беради рўпарамдан чиқиб, сотувчи аёл.

— Одамгарчилик, инсоф, диёнат, оқибат, — дедиман кўзларига умидвор термилди.

Аёл бошини маънос чўшқай-чайқай, «бу ерни бозор дейдилар, болам» дея узоқлаша борди. Ҳайҳотдек дунёнинг шовқин бозориди тентираганча йўлимда давом этаман.

Одамзорлар аро «одам» излаб боравераман, шу пайт қулоғимга жуда таниш сўз эшитилди:

— Бировнинг ҳақидан кўрк, болам, бировнинг ҳақини ема!

Соч-соқоли қордек оппоқ нуруний отахон набираси тенги бола билан тортишаётир. Бировнинг ҳақи... Яна қаерда эшитганман шу сўзларни? Ким айтган уни? Жуда ҳам таниш жумла, жудаям... Хотирамни вароқлай бошладим ва олис бо-

лалигимга улоқиб кетдим.

Бола эдим, шўх, ерга урса, кўкка сапчирдим. Кўшни қизларга қўшилиб «ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини» қўймасдим. Ҳовлимиз қўшнимизнинг ҳовлиси билан тутшиб кетган, ўртада бир ўрик дарахти бўлиб, икки ҳовли болалари ҳам чуғурчүкдек ўрикка сал маза кира бошлагандан шохидан тушмасдик. Ўша йили уйимизга момом меҳмонга келган, ўрик фарқ пишган пайти эди.

— Овқат пишгунча бориб ўрик териб кел, момонгни ҳам оғзи тегсин, — деди онам кўлимга кичик челақ бериб, ҳовлимиз этагидаги ўригимизга ишора қилди. Мен эса икки ҳовли ўртасидаги ўрикка қараб йўл олдим.

Бекор ўтирмайин, деб урчүк йиғириб ўтирган момом мени йўлдан қайтарди:

— Ҳой бола, қайт орқанга! У дарахтга тима! У бировнинг ҳақи. Кўшнининг ўриғи-я!

Ўшанда момоннинг бу даққисидан ҳайрон бўлиб, изимга қайтдим...



Ҳар йили ёзги таътилда момоннинг уйига бориш учун беш опа-ука навбат талашардик... Ёзнинг ўрталарида менга навбат келди. Тоғам холаларим кимдир дала ишига, кимдир давлат ишига, янгаларим ўз ташвиши — бола-чақаси билан. Уйда мен ва момом қолардик.

Бир куни жуда зерикиб кетдим ва момоннинг нон пишираётганидан фойдаланиб, кўзини шамғалат қилиб, энди қочмоқчи эдим, кўриб қолди:

— Ҳой олашақшақ, мана бу нонни Жамила кўшнига обориб бер, — деди момом мени эркалаб.

Тандирдан энди узилган нонни беқасам йўли дастурхонга ўраб узатди.

— Кўшнининг ҳақи бу, тезроқ олиб бор, совиб қолади.

... Ҳозир эсласам, бўғзимга нимадир тиқилади. Балки ўзим еган таомларимдан кўшнимга илин-

маганларим — ўша момом айтганидек кўшнилариимнинг ҳақимикан бу?

Таътил тугаб, уйга қайтдим. Боргунча ўйладим, уйим яқун топмади. Мен кимларнинг ҳақини еб юрибман? Балки яшаётган умримда ҳам кимларнингдир ҳақлари бордир? Олаётган нафасим, босаётган йўлимда ҳам! Хотиржам ухлаган тунимда, тинч отган тонгимда кимларнинг ҳақи бор, моможон?

Ўша кундан буён есам, томоғимга, йўл юрсам, оёғимга недир ботади. Сув ичаётиб «ҳозир неча киши сувсизликдан қийналаётган экан», тонг отса, «кимлар кўролмади бу тонгни», тун чўкса, «уруш ўчоқларида юрган одамлар қандай ухлайпти экан», дея ўйга толаман. Ўйларим чувалашиб бораверали.

Тушларимга эса урчүк йиғириб ўтирган момом киради....

Болтабой МАТҚУРБОНОВ

«Харсангни силжитган тош»

Бир куни қурилиш бошлиғи Нурмамат Ёрмуродовичнинг столида ғойибдан мактуб пайдо бўлди. У конвертга кўзи тушиши биланоқ шошилиб, ўқишга тушди: «Сиз ҳаммадан кўра, ишнинг кўзини яхши биласиз, — деб бошланарди нома. — Қурилишда ўзингиздан мохирроғи дунёда йўқ. Агар сиз бўлмаганингизда, шаҳримиздаги ўнлаб осмонўпар бинолар қад ростлармиди?! Отангизга балли!»

Бошлиқ мамнун жилмайганча хатни рўпарасидаги гулдон четига қистириб қўйди. Тушлик пайти ён-атрофидагилардан унинг эгасини суриштириб кўрди. Ҳеч кимдан тайинли садо чиқмагач, ортиқ излаб ўтирмади. «Бир кун ўзи келар», деб ўйлаган бўлди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, ғойибона кимсадан яна ўша мазмундаги иккинчи номани олди. Ўқиб, индамай тортманинг ичига ташлади. Бу гал хат йўлловчининг шахсини бировлардан суриштириб ўтиришни эп кўрмади. Бироқ ҳафта ўтиб, бошлиқнинг столида учинчи мактуб пайдо бўлди.

Нурмамат Ёрмуродович мактовномадир деган ҳаёлда эринибгина очди. Ҳафсаласиз хатга кўз югуртирди. У «Сиз бошлиқ экансиз ишларимиз ҳеч қачон юришмайди...» деган гапни ўқиб, заҳарли чаён ниш ургандек сакраб тушди. Зумда юзининг туси ўзгарди, кўзлари олайли, бурун катаклари кенгайиб, йиртқичлардек пишқирди: «Сен ярамасни ернинг тагидан бўлса ҳам топаман!» — деди мактубга туپугини саҷратиб. Сўнг хонани бошига кўтариб ўшқирди:

— Мени ҳақорат қилишга ким журъат элди? Котиба-а-а-а!

— Лаббай, хўжайин? — дея ташқаридан югуриб кирди бир жувон.

— Зудлик билан ҳаммани шу ерга тўпла! Бу ҳасадгўй ёзувчининг кимлигини вақтида аниқлаб, танобини тортиб қўймасам бўлмайди.

«Ҳақиқат харсангни ҳам ўрнидан силжитади, деганлари шу бўлса керакда» дея котиба ҳаслига келган фикрдан қувониб кетди. Мулжални тўғри олганини англаганича ходимларни мажлисга чорлагани тушди...

Васият

Ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган Боймамат аранг ёстиқдан бошини кўтариб, қошида йиғлашиб-сиқташиб ўтирган ўғил-қизларига инграб-инграб сўнгги васиятини уқтирди:

— Шахсий гўрковимга тезда тайинланглар, қабримни бошқарарикидан сифатироқ, бўликроқ ер топиб, чуқурроқ қазисин, ана ўшанда ялтироқ гумбазлари ҳамманикидан улугвор кўринади. Ўрнатадиган ноёб лавҳаларингни бўйи эса нариги маҳалладаги Сафар бойваччаникидан баланд ва савлатлор бўлсин. У шу қадар порлаб, ял-ял ёниб турсинки, бу ерда ким ётганини келган-кетганга кўрсатиб турсин. Ҳасалдан, ҳатто, қабристондаги катта-кичик ўликларгача жим ётолмай «лод» деб юборсин!..

Фарзандлари ва яқинлари Боймаматнинг бу васиятидан кўз қири билан бир-бирларига ҳайратомуз қараб қўйишди. Баъзилари уялганидан лом-лим демеди. Аммо Боймамат ҳеч бирига парво қилмай, охирагга бу бойликларини олиб кетдигандек хотиржам кўзини юмди...

Манзура АБДУЛЛАЕВА



29 июль 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

Сарполар тайёр, аммо орият йўқ

— МУЗЛАТКИЧ ОЛИБ БЕРМАСАНГИЗ, ТЎЙНИ ТЎХТАТИШАРКАН, — ДЕДИ ОЙЖАМОЛ ОПА ЮРАГИДА ҲАДИК БИЛАН ТУРМУШ ҲАҚИДА. ҚИЗИНИНГ БАХТИНИ ҲАҚИДА, ШУ КУНГАЧА ҚУДА ТОМОННИНГ БАРЧА АЙТГАНИГА КЎНИБ КЕЛАЁТГАН ШОДМОН АКАНИНГ ҲАҚИДА ҚЎЗГАДИ: — БОШИДАН ҲАҚИДА АЙТМАЙ ИШ ҚИЛИБМИЗ, ҚЎЛИМИЗ КАЛТАЛИГИНИ КЎРИБ-БИЛИБ ЮРГАН ОДАМЛАР, ҲАҚ ҲОЛДА БИЗНИ ТУШУНАР ДЕГАНДИМ, ҚАЙТАНГА АКСИ БЎЛДИ. МУЗЛАТКИЧ ЙЎҚ, ТАМОМ!..

бўлган йигит ва қиз қўл ушлашиб (кечирасизу, кези келганда, бундан баттарини ҳам қилипти), етти ёт бегоналар олдида истаганларича эсдалик учун суратга тушишяпти. Тўй куни келин-куёв даврада бирга расқа тушишни аввалдан режалаштириб, рақс тўғралакларига қатнамоқда. Тўйда эса даврада йигилганлар олдида уни намойиш этипти. Бу шармандаликни қандай изоҳлаш мумкин? Буларнинг барчаси ортиқча вақт, сарф-харажат талаб этади-ку? Биргина «Love story»ни тасвирга олиш учун сарфланган маблағни тўйдан кейин рўзгорнинг кам-қўстини бутлашга, ёшларнинг бирон эҳтиёжга ишлатишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки бирор кам таъминланган оиланинг эҳтиёжи учун сарфланса, нур устига аёло нур бўлади. Севги тарихи эмас, балки бахтли оила келажаги бунёд бўлишига не етсин! Бекор кетган бир неча кун, вақтнинг қийматини ўлчашнинг эса иложи йўқ. Олдиндан тайин қилинган ресторан, машина, махсус жой... Буларнинг бари тўй эгаларининг курагига юк, ҳамёнига зарар-ку. Тўйхонага йигилганларга келин ва куёвнинг тўйдан олдинги «асал ойи»ни катта экранларда

қўйиб беришларини бирон жўяли важ билан оқлаб бўлмайдди, ахир.

«Куёвни қиммат дўкандан кийинтиринглар!»

— Холаваччам: «сизларга унча-мунчама тadbirkor куёв топганман, унинг ўзига яраша ҳурмати бор, қиммат кийимлар сотиладиган жойдан сарпо қилинглари» деб қўнғироқ қилганда эсан-кираб қолдим, — дейди **анджонлик Зулайҳо Абдусаматова**. — Қаердан, қандай кийим олишни ҳар ким ўзи ҳал қилиши керак эмасми? Кимнингдир қиммат кийимга қурби етади, бошқа бировла эса ортиқча маблағ йўқ. Олинган уст-бош куёвнинг касбига, унинг кундалик фаолиятига ҳамоҳанг бўлиши керак. Биз ҳам куёвимизга касбидан келиб чиққан ҳолда сарпо танладик, ўзига маъқул бўлди. Ҳар сафар эғнида кўрганамдла хурсанд бўламан, яхшиям одамларнинг гап сўзига учиб, қиммат, фойдаси тегмайдиган буюмларни сотиб олманг эканмиз.

Бир курсдошим қўшнисининг ўғли уйланаётгани, қиз томон алоҳида уй қилиб беришларини сўрагани ҳақидаги суҳбатидан ҳайратландим. Айтишига қараганда, бугун баъзи «ёлланма совчилар» орадаги муносабатларни, қуда томонларнинг олди-берилсини ҳал қилаётган экан. Қуда-андачиликдек нозик масалага бегонани, бегона бўлганда ҳам томонлардан манфаат қуталдиганини аралаштириб бўладими? Кўплаб ёш оилаларнинг барбод бўлишига айнан мана шу қуда-андалар ўртасида бўлалган «сарсон сарпо»лар, бугун бор, эртага йўқ бўлиб кетадиган буюмлар сабаб бўляпти. Аслида, гўдакликтан то янги хонадонга келин бўлганга қалар қиз болани чиройли тарбиялаб, касб-ҳунар, илм эгаси қилиб қўйган ота-онадан ортиқча нарсаларни талаб қилишнинг ўзи қанчалар мантиқсизлик.

Тўй, яхши кунларни ҳар биримиз эзгу ниятлар ила оруз қиламиз. Ота-оналар фарзандларининг саодатини кўзлаб меҳнат қилади. Дилбандларининг файзли ҳаёт бошлашдан умидвор яшайди. Шундай олийжаноб ниятлар рўёби қўлимизда бўлса-ю, уни ўткинчи ҳою-хавас, янги «мода» дея саробга айлантириш тўғрими? Наҳот, бахтингизни буюмга алмаштирсангиз?!

Қанийди, иложи бўлса-ю, сарполар ёнига орият, гурур, андиша ҳам қўйилса...

Зокир ШОЙИМОВ

Бу воқеадан кейин тўй орта сурилди. Бугун қишлоқнинг оғзида шу гап: музлаткич олиб беришмаса, куёви чет элга қочиб кетармиш... Ён қўшнимнинг хонадонига нотинчлик олиб кирган бу каби воқеалар жамиятимизни қийнаётган муаммага айланиб улгурди. Хўш, бунга сабабчи(лар) ким?

«Чиннилар «чистый» бўлсин, қуда!»

— Мен турмушга чиққанимда онам раҳматли, битта шкаф ва тўрт-бешта уст-бош, янги рўзгорда ишлатишим учун санокли ошхона буюмларини олиб берганди, — дейди **тошкентлик Фарида Набиева**. — Мана, саксон уч ёшга кирдим, ота-онамдан миннатдорман. Улар мени бойлик, сарпо-сурўқ билан қузатмаган бўлса-да, оқ фотиҳа бериб, толеимни кўзлаб узатган. Шукр, бахтли яшадим. Ҳозирги кунда тўй қилаётганларни кўриб ҳайрон қоламан. Шунча дабада, ортиқча сарф харажат нимага керак? Яқинда қўшнимиз қизи унаштирилган хонадонга мебель, чинни буюмларни жўнатганди. Бўлажак қудалар ке-

қилди. Икки ўртада ёшлар қийналишди, тўй тўхтатилди.

Мебель, чинни буюмлар, сарпо... буларнинг барчаси бир кунлик «кўрғазма», аслида. Тўй куни ошна-оғайни, қариндошларга мақтаниш учун ўйлаб топилган «томоша»дан ўзга нарса эмас. Буни эса биз бора-бора одатга айлантирдик. Буларни кўра-била туриб, олдини олманг, жўрттага уюштирилган «тўйбоши»ларга нима дейсиз? Икки томон бир-бирини таниганига эндигина бир неча ой бўлганига қарамай, андишани бир четга суриб, худбинлик йўлга ўтиб олишаётгани нотўғри.

Қарс икки қўлдан чиқади

Тўйнинг гавғоси кўп экан. «Love story»га беш миллион сўм пул сарфладим, деб қолди ҳамкасбларимдан бири. Бу қаердан чиққан урф бўлди, деб сўрасам, «мода»да, дейди. Хўш, бу «мода»ни ким ўйлаб топяпти, нега биз унга кўр-кўрона эр-



«Тўйнинг гавғоси кўп экан. «Love story»га беш миллион сўм пул сарфладим, деб қолди ҳамкасбларимдан бири. Бу қаердан чиққан урф бўлди, деб сўрасам, «мода»да, дейди. Хўш, бу «мода»ни ким ўйлаб топяпти, нега биз унга кўр-кўрона эргашяпмиз?»

лин томонни қақриб: «Мебелларинг ёқмади. Бошқа яхшироқ жойдан олинглари, чиннилар «чистый» бўлсин, парданинг ранги уй деворларининг рангига мос тушмабди», дея изза қилишибди. Қўшнимиз шу заҳоти «Сенларга берадиган қизим йўқ», деб фотиҳани бекор

гашыпмиз?

Аммаси ё холаси, қўйингки, совчилар орқали топилган ёр билан қандай севи тарихини уюштириш мумкин. Тўйдан аввал бир-бири учун номаҳрам

Давлат манфаатларига 1 триллион 665 миллиард сўмдан ортиқ зарар

Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган 1,8 мингдан ортиқ текширишда 11,6 мингдан зиёд прокурор назорати тadbirkorлари қўлланилган. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 2,2 мингдан ортиқ тақдимнома киритилган. Натижада қарийб 9 минг шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. 2 миллиард 521 миллион сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган.

ҳолатлари юзасидан 47, 661 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга 590 жиноят иши қўзғатилган. Шу пайтгача 537 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Қолган жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Жиноийи фoш қилинган мансабдор шахсларнинг 25 нафари республика, 36 нафари вилоят ва 476 нафари туман, шаҳар миқёсидаги идоралар ҳамда қорхона ва



ташкилотлардир. Мазкур жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 1 триллион 665 миллиард сўмдан ортиқ зарар етказилган. Тергов жараёнида ушбу зарарнинг асосий қисми ундирилган.

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 250 нафари ўзганинг мулкани талон-торож қилган. 48 нафари мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган. 71 нафар шахс пора олиш-бериш ёки унда воситачилик

қилган. 51 нафари фирибгарлик, 23 шахс мансабини суистеъмол қилган ва ҳоказо.

Шунингдек, брифингда Бош прокуратура органлари ва журналистлар ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлаш, тезкорликни ошириш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида oav.prokuratura.uz сайтининг ишга туширилгани ҳам алоҳида таъкилданди. Бу орқали ҳар бир газета, журнал, телевидение ва сайт ўзи учун зарур ва керак бўлган маълумотни сўров орқали юбориб, қисқа фурсатда жавоб олиш имкониятига эга.


Баҳринисо МАДУМАРОВА,
«Жамият» муҳбири



2019 йил 1 август куни Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси бош вазири Абдулла Арипов Қирғизистон Республикаси бош вазири Муҳаммадкали Абилгазиев билан учрашди.

Ўғирланган велосипед

Одатда, шаҳар ва шаҳар атрофида яшовчилар қишлоқ ҳаётини, айниқса, тоғлар сайру саёҳатини хуш кўришади. Бундай жойларда яшаётганлар ҳаётига ҳавас ҳам қилишади. Кўҳна Самарқанднинг биқинидаги қишлоқлардан бирида улғайган Бахтиёр учун ҳам бу ҳислат бегона эмасди. Қолаверса, тоғлар бағридаги Уйруқулча унинг ота-боболари қишлоғи. Пастдарғом тумани Ички ишлар бўлими кўриқлаш хизматидан уни Нурободнинг сўлим Сазагон қишлоғига профилактика нозир сифатида ўтказишни айтишганида, Бахтиёр ростакамига севинди. Янги вазифада иш бошлайдиган кунини, Уйруқулча билан бир маҳаллага бирлашган Сазагон одамлари билан ҳамнафас бўлишини интиқиб кутди. Ўша кун келди. Аммо...



янги профилактика нозир учун қимматга тушди

Бахтиёр профилактика нозир этиб тайинланганда у иш бошлашдан бир ҳафта аввал жиноят содир бўлган. Ўғирланган велосипед ва унинг қалтакланган эгаси ҳақида янги нозир ҳеч қандай маълумотга эга эмасди. Лекин уни жиноятни яширганликда айблашиб, бир йил муддатга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлашдан четлатишди.

Бу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2017 йил 12 май кундаги ҳукми билан Гаппоров Бахтиёр Жаббарович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси билан айбли деб топилган. ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 (бир) йил муддатга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Ҳар ойда ойлик иш ҳақидан 15 (ун беш) фоиз миқдорда давлат даромади ҳисобига ушлаб қўлинган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрь кунги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига асосан тайинланган асосий жазодан озод қилинган.

Жиноят иши бўйича айбланувчининг ҳимоячиси Маҳмуд Бердиқулов томонидан тақдим этилган суд ҳужжатларини кўздан кечиришди. Уларнинг ҳар бири эътиборимизни тортади. Гўё бу ҳужжатлар Бахтиёр Гаппоровнинг айбислигига ишора қилгандек бўлади. Адвокат эса ҳар бир воқеани аниқ тафсилотларда ифода этади, бири биридан муҳим бўлган ҳужжатларга ҳолислик билан қарашта ундайди.

Улардан бири — жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2017 йил 12 майдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 6 июндаги ажримлари

устидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси номига назорат тартибда йўлланган шикоят.

Унда айбланувчининг ҳимоячиси жиноят тафсилотларига батафсил тўхталган. Рўй берган жиноятга ИИВ ходими Б.Гаппоровнинг асло алоқаси йўқлигини, суд асосиз кўрсатмалар билан ҳукм чиқарганини далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилган.

— Биз икки мартаба Олий судга назорат тартибда шикоят билан мурожаат қилдик. — дейди ҳимоячи Маҳмуд Бердиқулов.

«**Аслида, Нуробод туманидаги «Янгимаҳалла» маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Жуманиёвнинг ўғлига тегишли 500 минг сўмлик велосипеднинг ўғирлаб кетилганини Б.Гаппоров иш фаолияти билан боғлаб бўлмайди. Ўғирлик содир этилган пайтда Б.Гаппоров Нурободда эмас, Пастдарғом туманида фаолият кўрсатган. Табиийки, ўғирлик ва боланинг қалтаклангани ҳақида ҳеч ким унга мурожаат қилмаган. Аммо кимларнингдир тахминларига таянилган ҳолда унга велосипеднинг ўғирланиши ва 3 нафар номаълум шахслар томонидан велосипед эгасининг қалтакланиб, унга тан жароҳатлари етказиш ҳолатларини яшириш айби қўйилган.**

лов. — Лекин нима учундир ҳар иккала шикоятимизга Олий суд раиси ўринбосари Б.Дехқонов томонидан бир хил мазмунда, ҳатто, матнлари ҳам бир хилда бўлган жавоб хати келди. Унда шикоятимиз қаноатлантирилмагани айтилган.

Бу ҳолатлар бизда Олий суд раиси ўринбосари Б.Дехқонов шикоятларимизда келтирилган вақтларимизни ҳолисона, атрофлича ўрганиб чиқмаган, деган шубҳа уйғотди. Бу фикрларимизга қуйидаги далилларни асос сифатида кўрсатмоқчиман: ушбу ҳолиса рўй берган пайтда Б.Дехқонов Самарқанд вилоят прокурори вазифасида ишлаган. Демак, ИИВ ходимлари га нисбатан жиноятни яширганлик ҳолати бўйича махсус хабарни имзолаб, Республика бош прокурорига юборган айнан Б.Дехқонов бўлган. «Бах-

тиёр Гаппоров иши» ўзига таниш бўлгани сабаб у Олий суд раисининг ўринбосари лавозимдан фойдаланган ҳолда юборилган назорат тартибдаги шикоятларни қаноатлантирмай, рад этган. Шу ўринда Б.Дехқоновнинг 2018 йил 30 март кунги «5-456-18-сонли жавоб хатида 2017 йил 24 октябрь кундаги № 13-6179-17-сонли муқаддам бизнинг назорат тартибда ёзган шикоятимизга берган жавобни нуқта, вергулгача кўчириб ёзиб, шикоятимиз қаноатлантирилмаганини баён этган.

Қуйидаги ҳолатларга кўра

Аслида, Нуробод туманидаги «Янгимаҳалла»да яшовчи фуқаро Ш.Жуманиёвнинг ўғлига тегишли 500 минг сўмлик велосипеднинг ўғирлаб кетилганини Б.Гаппоров иш фаолияти билан боғлаб бўлмайди. Ўғирлик содир этилган пайтда Б.Гаппоров Нурободда эмас, Пастдарғом туманида фаолият кўрсатган. Табиийки, ўғирлик ва боланинг қалтаклангани ҳақида ҳеч ким унга мурожаат қилмаган. Аммо кимларнингдир тахминларига таянилган ҳолда унга велосипеднинг ўғирланиши ва 3 нафар номаълум шахс томонидан велосипед эгасининг қалтакланиб, унга тан жароҳатлари етказиш ҳолатларини яшириш айби қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди Б.Гаппоровнинг айбислигини исботловчи далилларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, айблов ҳукми чиқарган.

ЖИБ Самарқанд вилоят апелляция инстанцияси ЖИБ Пастдарғом туман судининг бу асосиз ва адолатсиз ҳукми билан келишиб, ҳукмни ўзгартириш қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди назорат инстанцияси суди бўлса, назорат тартибдаги шикоятдаги вақтларга умуман эътибор қаратмай, 2018 йилнинг 30 март кундаги № 5-456-18-сонли жавоб хати билан шикоятимизни қаноатлантирмамасдан қолдирган.

Адвокат М.Бердиқулов ўз фикрларини ҳуқуқий жиҳатдан қуйидагича исботлашга ҳаракат қилади:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 486-моддасида:

— суд ҳулосалари суд мажлисида қўрилган далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;

— суд ўз ҳулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;

— иш учун муҳим аҳамиятли ҳолатларга оид далиллар бир-бирига зид бўлгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан

баъзиларини ишонarli, деб топиб, бошқаларини рад этганлиги ҳукмда кўрсатилмаган бўлса;

— суднинг ҳукмида баён қилинган ҳулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ва юқори судда бу зиддиятларни бартараф этиш имконияти бўлмаса, ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас деб эътироф этилади, деб кўрсатилган.

Аммо қонуннинг бу мевъри биринчи босқич суди томонидан ҳам апелляция суди инстанцияси томонидан ҳам бузилган. Суд тергов тўлиқ ўтказилмасдан, Б.Гаппоровнинг айбислигини исботловчи инкор этиб бўлмайдиган ҳаққоний далилларга қонуний, ҳуқуқий баҳо берилмаган. Ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмайди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси ҳам биринчи босқич судининг ҳукмида кўрсатилган асосиз равишдаги ҳулосалари билан келишиб, шикоятдаги вақтларни умуман текширмаган, ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 22-моддасида «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шарт. Ҳақиқатни аниқлаш учун иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар



«Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Ҳазиний уй-музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

ва калтакланган бола машмашаси



аниқланиши ва ҳисобга олиниши шарт» деб белгиланган.

Лекин тергов органи томонидан ҳам, биринчи босқич суди ҳам, апелляция суди ҳам, назорат инстанцияси ҳам қонуннинг бу нормасини жиддий равишда бузгани, Б.Ғаппоровга нисбатан адолатсиз айблов ҳукми чиқарилганини кўришимиз мумкин.

Мана улар:

— Бахтиёр Ғаппоров жиноят иши бўйича ўзининг барча кўрсатмаларида Нуробод тумани ИИБга участка нозирли вази-

муман мурожаат қилмаганини тасдиқлайди.

Шокир Жуманиёзов 2016 йил 3 май куни Самарқанд вилоят ДХХ бошлиғи номига ёзган аризасида «Ўғлининг велосипеди ўғирлангани ҳолати ва уни номаълум шахслар уриб, тан жароҳатлари етказгани ҳолати бўйича Нуробод тумани ИИБ навбатчилик қисмига мурожаат қилгани»ни кўрсатади.

— Жуманиёзов Шокир жиноят иши бўйича берган кўрсатмаларида 2016 йил 23 апрель куни

нувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга онд қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида «Судлар иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар, албатта, синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши зарурлиги ҳақидаги қонун талабларига оғишмай риоя этишлари, айбланувчини нафақат фош этадиган, балки оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини энгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни ҳам аниқлашлари шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат Жиноят процессуал кодексида белгиланган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллардангина фойдаланиш мумкин. Процессуал қонун талаблари бузилган ҳолда тўпланган далиллар айблов асосига кўрилиши мумкин эмас» деб судларга кўрсатмалар берилган.

Лекин биринчи босқич суди ҳам, апелляция суди ҳам, назорат инстанцияси суди ҳам юқори суднинг ушбу раҳбарий кўрсатмаларига амал қилмаган.

Нуробод туманида рўй берган велосипед ўғирлиги ва унинг эгасининг калтакланиши про­филак­тика нозирли сифатида ҳали иш бошлаб улгурмаган Бахтиёр Ғаппоров учун қимматга тушди. Адвокатнинг тўплаган далиллари эса бу ерда участка нозирининг айбсиз эканини кўрсатади. Бу иш бўйича жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди, ЖИБ Самарқанд вилоят апелляция инстанциясининг чиқарган қарорларидан айбланаётган томон, унинг адвокати бутунлай норози. Улар бу ҳақда, яъни адолатнинг қарор топишида олий суд ҳакамлигини кутишмоқда.

Абдураул САТТОРОВ,
журналист

Бозорларимизда нарх-наво қандай?

Давлат статистика қўмитаси юртимиз бозорларидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2019 йил 30 июль ҳолатидаги нархлари таҳлилини эълон қилди.


Унга кўра, мол гўшти (суюқсиз гўшдан ташқари) бир килограмм учун 28 000 сўмдан 55 000 сўмгача кузати­ган. Хусусан, энг арзон нарх «Нукус деҳқон бозори»да 28 000 сўм. Мол гўштининг юқори нархлари эса пойтахт­имизнинг «Фарҳод деҳқон бозори»да 55 000 сўмга куза­тилган.

Кузатув натижаларига кўра, қўй гўштининг арзон нархи «Нукус деҳқон бозори» ва Тошкент шаҳрининг «Миробод деҳқон бозори»да 32 000 сўмдан сотилмоқда. Энг баланд нарх ҳам айнан «Миробод деҳқон бозори»да қайд этилган бўлиб, 58 000 сўм экани кузатилди.

Андижон шаҳрининг «Янгибозор деҳқон бозори», «Андижон шаҳар мар­

Шакарнинг арзон нархлари «Нукус деҳқон бозори», Самарқанд шаҳрининг «Сибё деҳқон бозори», Фарғона шаҳрининг «Фарғона шаҳар марказий деҳқон бозори», Янгийўл шаҳрининг «Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори», Урганч шаҳрининг «Урганч мар­казий деҳқон бозори»да 4 800 сўмдан кузатилди.

Бошқа маҳсулотларга қараганда шакарнинг баҳоси қиммат бозорлар кўпроқ экани маълум бўлди. Жумладан, «Нукус деҳқон бозори», Ан­диджон шаҳрининг «Янги бозор деҳқон бозори», «Андижон шаҳар марказий деҳқон бозори», Жиззах шаҳрининг «Жиззах марказий деҳқон бозори», «Эски шаҳар деҳқон бозори», Навоий шаҳрининг



казий деҳқон бозори», На­воий шаҳрининг «Саховат бозори», Фарғона шаҳри­нинг «Фарғона шаҳар мар­казий деҳқон бозори», Тош­кент шаҳрининг «Эски жўва деҳқон бозори», «Фарҳод деҳқон бозори»да картош­канинг энг арзони 1000 сўмдан сотилаётган бўлса, пойтахт­нинг «Олой деҳқон бозори»да 5 000 сўм экани кузатилди.

Пиёз турли нархларда 500 сўмдан 3 500 сўмгача сотил­моқда. Жиззах шаҳрининг «Эски шаҳар деҳқон бозори», Самарқанд шаҳрининг «Темирийўл деҳқон бозори», Термиз шаҳрининг «Термиз шаҳар озиқ-овқат бозори», «Марказий деҳқон озиқ-овқат бозори», Тошкент шаҳрининг «Олой деҳқон бо­зори» ва «Миробод деҳқон бозори»да 3 500 сўмдан куза­тилди.

Сабзининг килограми 1000 сўмдан 5 000 сўмгача, тухумнинг донаси 200 дан 900 сўмгача, гуруч 5 000 дан 18 000 сўмгача, ўсимлик ёғи­нинг бир литри 8 000 дан 12 500 сўмгача кузатилди.

«Саховат бозори», Наман­ган шаҳрининг «Наманган чорсу деҳқон универсал бо­зори», Самарқанд шаҳри­нинг «Сибё деҳқон бозори», «Темирийўл деҳқон бозори», «Дамариқ деҳқон бозори», Термиз шаҳрининг «Тер­миз шаҳар озиқ-овқат бо­зори», «Марказий деҳқон озиқ-овқат бозори», Чирчиқ шаҳрининг «Чирчиқ деҳқон бозори», Янгийўл шаҳрининг «Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори» ҳамда Тошкент шаҳрининг «Олой деҳқон бозори», «Кўйлик деҳқон бозори» ва «Миробод деҳқон бозори»да 5 500 сўм­дан сотилаётгани кузатилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон истеъ­молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фелера­цияси томонидан бир ой ав­вал тақдим этилган рўйхатда энг қиммат гўшт 42 000 минг сўм, энг арзон гуруч 3 500 минг сўм экани қайд этилган эди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

« Дастлабки терговда ҳам, судда ҳам 2016 йил 23 апрель куни Сазагон қишлоғида «Спарк» автомашинаси ҳайдаб юрган ИИБ ходими ким бўлган, унга ўғирлик ҳақида Ш.Жуманиёзов мурожаат қилганми, йўқми, бу аниқланмаган. »

фасига тайинланганидан сўнг 2016 йил 25 апрель куни биринчи мартаба ишга борганини айтади. Уни 2016 йил 30 апрель куни туман ИИБ раҳбарияти­нинг топшириги бўйича туман ИИБ участка катта инспектори Муҳиддин Холмуродов, ЖК бўлими ходими Бекзод Садиновлар туманинг Сазагон ҚФЙ­даги 182-сонли милиция таянч пунктига соат 13:30 ларда олиб бориб, ишхонасини кўрсатишди. У бу ерда маҳалла раиси, маҳалла посбони ва котиби билан таништирилади. Б.Ғаппоров Сазагон қишлоғида яшовчи Шокир Жуманиёзовни шу кун­гача танимаган. У киши ўғли­нинг велосипеди ўғирлангани ҳақида озгача ёки ёзма равишда умуман мурожаат қилмаган.

Нуробод туман ИИБ ходими Б.Садиновнинг кўрсатмалари Б.Ғаппоровнинг Ш.Жуманиё­зов уйида содир бўлган велоси­пед ўғирлигидан хабари бўлма­ганини, Ш.Жуманиёзовнинг ўғирлик ҳақида Б.Ғаппоровга

тушлиқдан сўнг қишлоқда юр­ган ИИБ ходимига «ўғлининг велосипедини ўғирлаб кетишга­нини айтдим. Ходим оқ рангли «Спарк» русумли автомашинани бошқариб юрган эди. У мендан ҳеч қандай ариза ёки тушунти­риш хати олмади. Бу ҳолат бўйича ишланиши айтиб кетди, деган.

Дастлабки терговда ҳам, суд­да ҳам 2016 йил 23 апрель куни Сазагон қишлоғида «Спарк» автомашинаси ҳайдаб юрган ИИБ ходими ким бўлган, унга ўғирлик ҳақида Ш.Жуманиёзов мурожаат қилганми, йўқми, бу аниқланмаган.

Адвокат томонидан суд иш­ига Бахтиёр Ғаппоровнинг ўғир­ланган велосипед ва унинг кал­такланган эгасига боғлиқ жиҳати йўқлиги, бу ҳақда профилактика нозирига ҳеч ким мурожаат қил­магани ҳақида 17 қисмдан иборат далиллар тақдим қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айб­ла

Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги томонидан Ўзбекистон ҳожиларга яратилган шарт-шароитлар бўйича Малайзия, Индонезия, Туркия сингари биринчи бешталик давлатлар сафига киритилди.



«Аср топилмаси»

Қадим Сурхон воҳаси азалдан ўз санъати, маданияти билан барчани мафтун этган диёр. Асрлардан сўзловчи осори атиқалар, ноёб топилмалар, ажойиб минораю обидалар бугунги кунда ҳам жаҳон халқларини лол қолдирмоқда. Шунинг баробарида ушбу макондан топилган жавоҳирлар ўз қиммати, ранг-баранг ва бебаҳолиги билан алоҳида аҳамиятли.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги Далварзинтепа Кушонлар даври маданиятининг машҳур ёлгорлиги саналади. Тепалиқда ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин қазилма ишлари бошланганди. 1972 йилнинг 25 сентябрида таниқли археолог Баҳодир Турғунов шахристондан 36 килограмм олтин хазина топади. Сопол кўзадаги жавоҳиротда 115 хил тилла буюм бўлган. Мамакатимиздаги ушбу «аср топилмаси» турли шаклдаги куйма ёмбилар, гардиш буюмлар, эркак ва аёлларнинг тақинчоқларидан иборат эди. Зебу зийнатлар орасидан феруза кўзи, зарҳал иплардан нафис ишланган маржонлар ҳам ўрин олган.

Бугунги кунгача Кушон хазинаси давлат жамғармаларида сақланиб, аввал кўргазмада сира намойиш этилмаган эди. Энди эса бизда уни кўриш имкони бор. Чунки жорий йилнинг 26 августида Са-

марқандда «Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияси» мавзусида халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Ушбу анжуман олди-дан пойтахтимиздаги Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин, маданият» мерос ҳафталиги ўтказилади. Тадбир доирасида «Кушон хазиналари» ноёб кўргазмаси ҳам ўтказилиш кўзда тутилган.

Кўплаб жаҳон олимларининг илтимосига кўра, эра-

Кўплаб жаҳон олимларининг илтимосига кўра, эра-мизнинг I асри бошида Ўрта Осиё худудидида қад ростлаган жумбоқли, кам ўрганилган ва қачонлардир қудратли бўлган Кушон империясининг ноёб артефактлари мустақиллик йиллари давомида илк бора кўргазмага қўйиш режалаштирилмоқда.



Баҳринисо ОТАЖОНОВА

мизнинг I асри бошида Ўрта Осиё худудидида қад ростлаган жумбоқли, кам ўрганилган ва қачонлардир қудратли бўлган Кушон империясининг ноёб артефактлари мустақиллик

«Кушон подшолиги хазиналари» китоб-альбоми ва шу номдаги ҳужжатли фильм тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

Кеча ва бугун

- Уйлар катталашди, аммо оилалар кичрайди.
- Тиббиёт ривожланди, бироқ касалликларнинг тури кўпайди.
- Одам Ойга етиб борди, аммо ён қўшнисининг ҳолидан беҳабар.
- Пуллар кўпайди, аммо хотиржамлик йўқолди.
- Донолик юксалиб борапти, лекин ҳис-туйғулар камайиб кетяпти.
- Билим-маърифат ошди, аммо ҳикмат озайди.
- Йўл-йўлакай қўшилиб оладиган дўстлар кўп, бироқ ҳақиқийлари жуда кам.
- Соатлар турли дизайнда ишлаб чиқарилмоқда, аммо кўп нарсага вақт топа олмаймиз.
- Одамлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, бироқ одамийлик камайиб бормоқда.

Мақсуда ВОРИСОВА

Елена Никитенко: «Мен ҳам сеҳрни бошдан кечирдим»

Қозоғистоннинг машҳур «АвтоМир» журнали бош муҳаррири Елена Никитенко ўзининг шахсий автомобилда дунё бўйлаб саёҳатлар қилади ва сафар таассуротларини блоги орқали ўқувчиларига етказиб беради.

Унинг Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридан старт олган навбатдаги саёҳати Ўзбекистоннинг қадимий ва эртакнамо шаҳарларидан бири Хива шаҳрига бўлди.

32 ёшли сайёҳ июнь ойининг илк кунларида Хивага етиб келди ва ўз кечинмаларини «Путешествие в Узбекистан: закатное золото и колдовские чары Хивы» номи мақоласи орқали баён қилди.

Елена Никитенко Хива ҳақидаги таассуротлари билан ўр-



тоқлашаркан, «Ичан-Қалъа»нинг тунги жозибасини алоҳида тарифлаган ва ўз сўзлари исботи учун ажойиб фотосуратларни мақолага илова қилган.

ЎЗА

1 августдан «Тошкент – Чироқчи» йўналишида мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилди.

ҚИСКА
САТЛАРДА
ЎҚИНИ!

йиллари давомида илк бора кўргазмага қўйиш режалаштирилмоқда.

Кўргазманинг эксклюзив, ўзига хос жиҳати — Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа шаҳри қазималарида топилган афсонавий «Далварзин хазинаси» намойиши бўлади.

Кўргазманинг энг камёб экспонатлари орасида — олтин пектораль (ёл), Гераклнинг тасвири туширилган гемма, кўкрак усти тилла безаклари, ҳайвон тасвири тилла кўкрак нишони, эра-миздан аввалги III-IV асрда Шимол-Ҷанубий Ҳиндистон ва Ўрта Осиё жануби (Бақтрия, Сўғдиёна)да кенг тарқалган кхароштки ёзуви битилган ноёб олтин чорқирра қайроқтош ва кўпгина бошқа буюмлар бор.

Ўзбекистоннинг турли музейларидаги Кушон даврига алоқадор экспонатлари биринчи марта ягона экспозицияда намойиш этилади. Кўргазма доирасида «Кушон подшолиги хазиналари» китоб-альбоми ва шу номдаги ҳужжатли фильм тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

2 август		3 август		4 август		5 август		6 август		7 август		8 август	
☀️	+37°C	🌙	+24°C	☀️	+37°C	🌙	+23°C	☀️	+36°C	🌙	+22°C	☀️	+37°C
☀️	+37°C	🌙	+23°C	☀️	+36°C	🌙	+22°C	☀️	+38°C	🌙	+24°C	☀️	+40°C
☀️	+37°C	🌙	+23°C	☀️	+38°C	🌙	+24°C	☀️	+41°C	🌙	+23°C	☀️	+41°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ

Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-814 Адади: 1402.

Жума кuni чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани номни кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни: Топширилган вақти: 17.35

1 2 3 4 6